



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**ИЖТИМОЙ СОҶАНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА  
ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ:  
МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**



кўшиқларини ўқувчиларга ўргатиш режалаштирилса, шунчалик болаларда мусиқавий таассуротлар жонлантирилиши бу айни ҳақиқат. Улар мусиқавий образларни идрок этишда, мусиқанинг савиясини ҳис этишда, унинг оддий ифода воситалари ва ҳаётий ўрнини билиб олишда қийналмайдилар.

Халқ кўшиқлари мусиқасини тушунишда жуда қўл келади. Уларда бу мусиқанинг кўшиқона турини фарқлаш учун қулай воситадир. Шунингдек ёшларда мусиқанинг ифода воситалари куй, мусиқанинг, контраст қисмлари кабилар ҳақида ҳам етарли тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам қулайдир. Хуллас, мусиқадаги асосий уч жанрнинг бири бўлган кўшиқлар, халқ кўшиқлари ҳамда халқ мусиқалари табиатини ўрганиш учун қулай замин ҳозирлайди. Бироқ ҳанузгача на фолкълоршунослик соҳасида, на мусиқа илмида, ўзбек халқ кўшиқларининг куйлари, уларнинг ижрочилигига хос асосий хусусиятлар, белгилар тўлиқ ва яхлит ҳолда махсус ўрганилмаган. Афсуски, мусиқа дарсликларидан жой олган миллий куй кўшиқлар сони ва сифати бугунги кун ўқувчиларининг эҳтиёжтани тўла қондира олмайди. Тўғри, баъзан бу борада айрим фолкълоршунослик бўйича яратилган илмий-назарий манбаларда, айрим фикрларга дуч келиш мумкин. Аммо халқ кўшиқлари ижрочилигига мусиқачининг берган баҳоси бошқача бўларди. Чунки халқ кўшиқларининг яшовчанлигида уларнинг куй-оҳанги катта аҳамият касб этади.

Халқ кўшиқлари ижрочилигининг асосий белгилари ва усуллари. Халқ кўшиқлари ижросида мавзу ва матннинг роли. Халқ кўшиқлари фолклорнинг (оғзаки бадий ижоднинг) энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, улар анъанавий ижрочиликда ҳам замонавий ижрочиликда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳатто уларнинг яратувчилик ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Халқ кўшиқлари халқ қалбининг кўзгуси, ҳам давр кўзгуси. Уларда халқнинг орзу-умиди, ҳис-туйғуси билан бир қаторда ҳаётдаги энг долзарб масалалар ўз аксини топмасдан қўймайди.

Таниқли ўзбек фолклоршуноси, ўзбек халқ кўшиқларининг илк йирик тадқиқотчиси Музайяна Алавия бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Халқ қайғули чоғида ҳам, шад-у хуррамлик пайтларида ҳам, кўшиқ ижод этиб, куйга солиб айтади”. Ўзбек халқи орасида куйган ҳам кўшиқчи, суйган ҳам кўшиқчи ёки суйган кўшиқчи бўлар, куйган ўланчи бўлар деган таъбирлар мақол сифатида юритилади. Демак, бир орзу, мақсадга интилганда шунга эришиш учун олиб борилган кураш жараёнида ҳам, ғамга ботган чоғларида уни енгиш учун ҳам, меҳнатни енгиллатиш, хорғинликни енгиш учун ҳам, шод-у хуррамликни исҳор этиш учун ҳам, кўшиқ ижод этиб куйга солиб айтадилар. Турли даврда турли мавзуларда яратилган кўшиқлар ўз даврининг меваси бўлиши билан бир қаторда узок ўтмишнинг тарихий ёдгорлиги ҳамдир.

“Кўшиқ” атамаси туркий “Кўшлик” фелинини ўзагидан ясалган бўлиб, мисрага-мисрани кўшиб куйлаш айтиш деган маъноларни англатади. Халқ кўшиқлари қандай мазмунда яратилганига, ижро ўрнига, тарзига ва вазифаларига қараб турли сифатловчилар билан биргаликда номланади. Масалан меҳнат жараёнида меҳнат қилинаётган киши томонидан ўзи бажараётган иши ҳақида, куйланадиган кўшиқлар меҳнат кўшиқлари дейилса, эркалаб овутадиган кўшиқ болалар кўшиғи бўлиб, ишқ муҳаббат мавзусидаги кўшиқлар эса лирик кўшиқлар деб юритилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўзбек халқ кўшиқлари яратилиши даврига, ижро ўрнига, ижро табиатига, ижро вақтига қараб хилма-хиллик касб этади.

#### **Адабиётлар**

1. М. Алавия. Ўзбек халқ кўшиқлари. -Т. ЎзРФА нашриёти 1959
2. Ҳ. Нурматов, Н. Норхўжаев, О. Иброҳимов ва бошқалар. Мактаб “Мусиқа” дарсликлари (1-7 синфлар учун) Тошкент 2015
3. Д. Ражабов. Т. Ражабов Халқ кўшиғи ва мусиқа ижрочилиги. Илмий рисола. Тошкент Наврўз нашриёти 2018.

### **МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ**

*Азимов Асқаджон Аҳтамович  
Бухоро давлат университети  
Тасвирий санъат ва муҳандислик  
графикаси кафедраси ўқитувчиси  
Нуруллаев Феруз Файзуллоевич  
Бухоро давлат университети*

*Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Маълумки, жамият тараккиётида таълим-тарбия, унинг мазмунини, мақсад

вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тузум ижтимоий-иқтисодий сиёсий тараққиёт ўз йўналишини белгилашда буюк аждодларимиз ўғитлари ўрин тутади. Ўз-ўзидан ўрганиш жамият тараққиётида жуда ҳам зарурдир. Чунки эртанги кун келажак авлоднинг маънавий етуқлиги, унинг бугун олган тарбиясига боғлиқ. Ёш авлод онгига ватан нима эканлигини кенгрок тарғиб қилиш, инсон учун ватаннинг ягона эканини англашиш таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифасидир. Фарзандларимизда хушмуомалалик, инсоф ва иймон ҳамда ўз-ўзини тарбиялашда диний қадриятлар муҳим восита ҳисобланади.

**Аннотация:** Известно, что в развитии общества важную роль играют образование, его содержание, цели и задачи. Учения наших великих предков играют роль в определении направления социально-экономического и политического развития каждой системы. Самостоятельная работа необходима для развития общества. Потому что духовная зрелость будущего поколения зависит от воспитания, которое оно получает сегодня.

Основная задача образовательного процесса - донести до молодого поколения, что такое родина, объяснить, что родина уникальна для человека. Религиозные ценности являются важным инструментом в вежливости, честности и вере наших детей, а также в самообразовании.

В этой статье описываются взгляды наших предков на самообразование.

**Annotation:**

It is known that education, its content, goals and objectives play an important role in the development of society. The teachings of our great ancestors play a role in determining the direction of the socio-economic and political development of each system. Independent work is necessary for the development of society. Because the spiritual maturity of the future generation depends on the upbringing that it receives today.

The main task of the educational process is to convey to the young generation what the homeland is, to explain that the homeland is unique to humans. Religious values are an important tool in the courtesy, honesty and faith of our children, as well as in self-education.

This article describes the views of our ancestors on self-education.

**Ключевые слова:** духовное наследие, нравственное наследство, совесть.

**Abstract:** This article persons bring up difference of character educate.

**Key words:** the spiritual legacy, the moral legacy, conscience

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшларсиёсатида дахлдор 40 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ёшлар сиёсати қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ёшлар сиёсати соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири сифатида муҳтарам Президентимиз томонидан 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу орқали давлатимиз раҳбари “Ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги”ни таъкидлаб ўтди. Қайд этиш керакки, бу каби ишлар ёшлар сиёсати соҳасида янги механизмлар сирасига кириб, уларни санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Аммо бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, замон талаблари асосида янги механизмларни тадқиқ этиш, хорижий давлат ларнинг илғор тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва Ўзбекистон шароитига мос миллий хусусиятларимизга жавоб берадиган методларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки, глобаллашув шароитида, ахборот хуружлари тезлашган, ёшларнинг онги ва қалби учун кураш кечаётган, энг асосийси уларнинг дунёқараши ўзгариб бораётган даврда ёшлар сиёсати соҳасида ҳам янги услуб ва механизмларга табиий эҳтиёж туғилади

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг «Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир», деган сўзларини ёдга олди. Албатта, бу масалаларни ҳал этишда халқимиз минг йиллар давомида яратган, асраб-авайлаб келаётган илмий билим хазиналарига, бой қадимий меросимизга асосланамиз. Чунки, ота-боболаримиз ҳаёт тажрибалари натижасида йاراتган оёғит ва пандномаларида, дунёвий билимларида ватанни асраш, улуглаш каби инсонпарварлик ғоялари мавжудки, улар нафақат бугунги кундаги, балки келажакдаги авлодлар учун ҳам аҳамиятли ва қадрлидир. Айниқса, ўзбек халқининг фахри ва ғурури ҳисобланган Широқ, Тўмарис, Муқанна, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди,

Темур Малик ва Амир Темур каби ватанга ватанга муҳаббат ҳиссини, ватан учун жонини аймаган инсонларнинг ҳаёт ёли ва фаолиятини оърганиш ҳамда ватанпарварлик мактаби тарбиясидан ўрнак олишни йўлга қўйиш бугунги давр талабидир.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” аждодларимизнинг кўп йиллик тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти ва қадриятларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. «Авесто»да иймон, эътиқодда собитлик, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, ёшларни адолат, маърифат, инсоф, дўстлик, ватанпарварлик, она сайёрани эъзозлашга ҳидоят этишга даъват бош масала ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг маънавий егуклиги дўстга садоқат, кечиримли бўла билиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бера олиш каби олижаноб ҳислатлар билан белгиланади. «Авесто»нинг турли қисмларида ана шундай фазилатларни тарғиб этадиган кўплаб саҳифалар учрайди. «Ўзгаларни яхшиликка йўллаш олган одамларнигина яхши одам дейиш мумкин». «Доно ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини ёритмоғи лозим», «Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур», «Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир», «Ўз нафсини енгиб жиловлаб олмаган киши ҳеч нарса устидан ғолиб чиқа олмайди». Тарихий обида ҳисобланган “Авесто”да таълим-тарбиянинг айрим жиҳатлари ҳақида кизиқарли талқинлар мавжуд бўлиб, хусусан ёшларнинг жамият олдидаги бурчлари, маъсулиятларини ҳис этишлари, поклик, адолат ва ҳамжиҳатликка зарурат ҳақидаги ғоялар бугунги кун учун ҳам қимматлидир.

Маълумки, турли экстремистик оқимлар ўз манфаатлари йўлида диний эътиқод ва қадриятлардан қурол сифатида фойдаланмоқдалар. Ваҳоланки, ҳақиқий диний таълимот ёшларни вайронкорликка эмас, ишонч, эътиқодга чорлайди, уларни поклаб, маънавий жиҳатдан юксалтиради. Шу билан бир қаторда, ёшларни ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиш, иродали бўлиш сари ундайди. Иродалилик эса ўз-ўзини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Диний қадриятлардан ёшларни ўз-ўзини тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш учун уларни танлаш, таснифлаш ва бир тизимга келтириш талаб этилади. Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, буюк мутафаккирлар Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абул Қосим аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Воиз Кошифий ва бошқалар ёшларнинг ўз-ўзини тарбиялаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли педагогик мерос қолдирганлар.

Жумладан, А.Н.Фаробий «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир: Аввало, у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мажтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборатлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса, бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга керишмоғи лозим бўлади»-деб таъкидлайди.

Мутафаккирнинг фикрларини ўрганиш натижасида ҳар бир ўспиринда ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ҳосил бўлади. Фаробий инсон ўзининг фаол ақл-идроки, қобилияти, истеъдоди, тафаккури ёрдами билан табиат, борликни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳияти ва маъносини билади. Бунинг натижасида у бахтга эришади. Аммо, кимки ўзини ўз даражасидан юқори қўйса ундай киши учун камолот йўли тўсилади, деган фикрларни илгари суради. «Ақлли деб шундай кишига айтамикки -деб ёзади Фаробий, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин».Кўриниб турибдики, Фаробий таълимотидан ҳам ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатишда кенг фойдаланиш мумкин.

Абу Райхон Берунийнинг инсон тўғрисидаги ғояларини ўрганиш, бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ўспиринларга тушунтириш, унинг ҳикматларини ёд олдириш уларнинг ўз-ўзини тарбиялашига замин ҳозирлайди. У инсон ўз ахлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини ўзгартиришга қодирлигини уқтириб, агар у хирслардан устун тура олса ўзидаги бор нуқсонларни йўқотиб, уларни яхши сифатларга айлантириши мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Беруний асарларида кишиларнинг ўз билимлари, қобилиятлари ва ахлоқий ҳислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди. Бундай фикрлар ўспиринларни ўз-ўзига тўғри баҳо беришлари ва тарбиялашларига имкон беради.

Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида, инсон жисми, унинг асаб тизими тузилиши билан боғлиқ руҳий жараёнлар ҳақида батафсил маълумотлар берган. У ўзининг «Донишнома» асарида мавжуд илмларни икки: амалий ва назарий илмларга ажратади. Амалий илмларни ўз навбатида уч

турга бўлади:

- мамлакатни идора қилиш;
- ўз уйини идора қилиш;
- ўз-ўзини идора қилиш.

Кўриниб турибдики ибн Сино амалий илмлар сифатида инсоннинг ҳатти-ҳаракатини ташкил этишга асос бўладиган илмларни тушунган. Кишилиқ жамияти, муайян бир мамлакат ва халқни идора қилиш, ўзи яшаб турган уй хўжалигини бошқариш, оилавий муносабатларни тартибга солиш, шахснинг ўз-ўзига муносабатини ифодаловчи амалий билимлар мутафаккирнинг таъбирича маънавий, одоб-ахлоқ ҳақидаги билимлардир.

Улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида етук, баркамол инсон одоби, маънавияти, маданияти, атрофдагиларга бўлган муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли фикрлари айтилган. А.Навоий ахлоқ меъёрлари бола тафаккури ва тарбиясининг асоси деган фикрни илгари суради. Ҳар бир шахсда болалик йилларидан бошлаб ҳаётга ўз инсоний бурчи нуктаи-назаридан ёндашиш кўникмаси шаклланиши лозим. Шунинг учун, А.Навоий саховат ва ҳимматни юксак фазилат деб ҳисоблайди, яхшилиқ сари ва муҳтож кишига фойдали бўлишга интилиш ҳар бир тарбияланган шахсга хосдир.

Шундай фазилатга эга бўлмаган кишиларни дурсиз чиғанок, кўклам фасли ёмғир келтирмайдиган булутга ўхшатади. А.Навоий асарларида илгари сурилган ёмон хулқли болаларни тарбиялаш ғояси ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, аждодларимиз болаларга ёшлиқдан бошлаб ўз-ўзини тарбиялаш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг фозил шахс, комил инсон, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатишда дастурул амал бўла олади.

Мазкур меросдан фойдаланишда улар қуйидагиларга амал қилишлари керак:

1. Аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий таълим-тарбияга оид тарихий тажрибаларини пухта ўзлаштириш;
2. Юқори даражадаги педагогик маҳоратга эга бўлишлари;
3. Ўспиринлар билан изчил мулоқотга кириша олишлари;
4. Ўқитувчиларнинг ўзлари юксак маданият эгаси бўлишлари;
5. Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашлари учун қулай бўлган педагогик шакл ва усулларни танлай билишлари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев. Ш .М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ . – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Мирзиёев. Ш .М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ . – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Абдурахмонова Д.А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш: Пед. фанл. ном. дисс – Т.: 1998. – 171 б
4. Аҳмедова Қ., Юдина Т. Болангиз мактабга тайёрми?– Т.: 2000.– 320 б.
5. Барбара Келлер. “Ўзбек оиласига ҳавасим келади”, “Маърифат”, 1998.
6. Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Қ.Саидов, Р.Ахлиддинов. Тўлдирилган 2-нашри. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси “ Давлат илмий нашриёти, 2000. – 248 б.

#### **УДК 301**

#### **СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ**

**ПОГОРЕЛОВА Н.В. , РЕШЕТНИКОВА А.А.**

**ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ**

**CURRENT TRENDS IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF ADOLESCENTS**

**POGORELOVA N. V., RESHETNIKOVA A. A.**

**CHELYABINSK STATE INSTITUTE OF CULTURE**

Аннотация: Сегодня перед человечеством стоит вопрос о необходимости изменения своего отношения к окружающей среде и обеспечении соответствующего воспитания и образования